

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУМИНОВА СЕВАРА РУСТАМОВНА

**АТОПИК ДЕРМАТИТ РИВОЖЛАНИШИ ВА КЕЧИШИДА БАЪЗИ
ЦИТОКИН ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ КЛИНИК-
ПРОГНОСТИК АҲАМИЯТИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавлениеавтореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contentsofdissertationabstract of doctor of philosophy (PhD)

Муминова Севара Рустамовна

Атопик дерматит ривожланиши ва кечишида баъзи цитокин генлари
полиморфизмининг клиник-прогностик аҳамияти.....3

Муминова Севара Рустамовна

Клинико-прогностическое значение полиморфизма генов некоторых
цитокинов в развитии и течении атопического дерматита.....27

Muminova Sevara Rustamovna

Clinical and prognostic value of polymorphism of certain cytokine genes
in the development and course of atopic dermatitis.....50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....54

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН
ДЕРМАТОВЕНЕРОЛОГИЯ ВА КОСМЕТОЛОГИЯ ИЛМИЙ- АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

МУМИНОВА СЕВАРА РУСТАМОВНА

**АТОПИК ДЕРМАТИТ РИВОЖЛАНИШИ ВА КЕЧИШИДА БАЪЗИ
ЦИТОКИН ГЕНЛАРИ ПОЛИМОРФИЗМИНИНГ КЛИНИК-
ПРОГНОСТИК АХАМИЯТИ**

14.00.11 – Дерматология ва венерология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.2.PhD/Tib247. рақамбилан рўхатга олинган

Диссертация Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология и косметология илмий-амалиёт тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мавлянова Шахноза Закировна тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Арифов Саидқосим Саидазимович тиббиёт фанлари доктори, профессор Исмаилова Адолат Абдурахимовна тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Тошкент тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Боғишамол кўчаси, 223-уй.Тел./факс: (+99871) - 262-33-14; e-mail: maIL@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (____ - сон билан рўхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 223 - уй.Тел./Факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А.В.Алимов
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Э.А. Шамансурова
Илмий даражалар берувчи Илмий Кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.И. Ахмедова
Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш қошидаги Илмий Семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда атопик дерматит (АД) ва унинг асоратлари муҳим тиббий ва ижтимоий муаммо бўлиб келмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотиغا кўра «...ҳозирги даврда дунё бўйича 5 ёшгача бўлган болаларнинг 10-15% атопик дерматитдан азият чекмоқда...»¹. АД патогенези кучли генетик тузилишга эга. Кўплаб тадқиқотлар натижасида АДга бўлган ирсий мойиллик исботлаб берилди, бу эса касалликни эрта бошланиши, бир тухумли эгизакларнинг мувофиқлигини (77%) юқори даражаси (икки тухумликларда - 15%), ҳамда ота-онасининг бири атопия билан касалланган бўлса болада касалланиш хавфи икки баробар ортиши тасдиқланган. Изланишларда «...генетик омиллар, яъни сурункали қичима тери касалликларининг ривожланиши билан боғлиқ цитокин генлари ва уларнинг рецепторларининг полиморфизмини аниқлаш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари бўлиб келмоқда...»². Дерматологик касалликлар ичида АД олдинги ўринлардан бирини эгаллайди ва касалликнинг биринчи беш йиллигида 30% ортиқ беморларда ҳаёт сифати даражаси пасайиб кетади.

Дунё миқёсида атопик дерматитнинг келиб чиқиш сабаблари, унинг кечиши ва даволаш тактикасининг натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада аҳоли орасида атопик дерматитни барвақт ташхислаш; учраш даражаси ва ривожланиш омилларини аниқлаш; беморларда атопик дерматитнинг оғир шакли ва кечишига боғлиқ генетик ҳолат хусусиятларини аниқлаш; атопик дерматитнинг прогнозлаш алгоритминини ишлаб чиқиш; амбулатория ва стационар шароитида сифатли даволаш ва реабилитация тизимини ишлаб чиқиш; асоратларини камайтириш, касаллик профилактикасига тизимли ёндашиш, аҳоли ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган тадбирларни такомиллаштириш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг турли қатламлари орасида терапевтик касалликларини эрта ташхислаш, такомиллашган даволаш усулларини ишлаб чиқиш ва асоратларини камайтириш бўйича маълум ютуқларга эришилди. Жумладан, дерматологик касалликларни эрта ташхислаш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар олиб борилди. Шу билан бир қаторда соғлиқни сақлаш тизимида тери касалликларини аниқлаш ва олдини олиш билан боғлиқ бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида аллергик тери хасталикларининг клиник хусусиятларини аниқлаш, диагностика ва даволаш усулларини такомиллаштириш заруриятини тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ–4947-сон «2017-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада

¹Lianghua Bin, Donald Y. M. Leung. Genetic and epigenetic studies of atopic dermatitis // Allergy Asthma Clin Immunol. 2016; 12: 52.

²Tamari M, Hirota T. Genome-wide association studies of atopic dermatitis. J Dermatol. 2014;41(3):213–220. doi: 10.1111/1346-8138.12321.

ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги» Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг дерматовенерология хизматини 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5216-сонли Фармонида ва 2017 йил 20 июндаги ПФ-3071-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»Қарори ҳамда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, унинг дастлабки бўғинини янада ислоҳ қилиш...»³вазифалари белгиланган бўлиб, уларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технология ривожланиши V1 «Тиббиёт ва фармакология» нинг устувор йўналишларига мувофиқ равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атопик дерматитга бағишланган адабиётларда келтирилган тадқиқотлар натижаларига кўра, ушбу ҳасталикнинг келиб чиқиши, кечиши ва даволашда ирсий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Адабиётлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки, аллергик касалликлар, шу жумладан атопик дерматит ривожланишида энг аҳамиятли полиморф генларини аниқлаб чиқиш фундаментал фан ва амалий тиббиёт учун энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Wuthrich В. нинг олиб борган тадқиқотлари натижасига кўра атопик дерматит билан ёшлигида касалланганлар 1/3 қисми хаётлари давомида ушбу касалликдан азият чекар эканлар (2015). Жаҳон олимлари томонидан атопик касалликларга тегишли бўлган 200 дан ортиқ генлар тасвирлаб берилган(Hoffjan S., Stemmler S., 2015; Trzeciak M, et al., 2016). Уларнинг орасида цитокинлар генлари ва уларнинг рецепторларини АД ривожланиши билан боғлиқ бўлган генлар гуруҳидаги энг ишончлилари ва кўплаб тасдиқлаб берилганларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз (М.Б. Фрейдин, Е.Ю.Брагина, 2006). Томск тиббиёт генетикаси институти тадқиқотчилари томонидан ўтказилган замонавий геномик изланишлар, мультифакториал касалликлар қаторига кирувчи АДнинг генетик турфахиллигини янада мақсадли тахлилига олиб келувчи ёндошувни ишлаб чиқиш, номзод-генлар ва уларнинг аниқлаш белгилари доирасининг мунтазам равишдаги қисқаришига имконият туғдирди (М.Б.Фрейдин, В.П.Пузырев, 2009). Мамлакатимиз олимлари томонидан ўтказилган генетик изланишлар панмиксия ва инбридинг шароитида қон гуруҳини, гаптоглобинлар ва HLA-системами маркёрларини инобатга олган ҳолда АД га ирсий мойилликни ўрганишга бағишланган (Маннанов А.М., 2000). АД билан хасталанган беморларда иммун тизимининг гуморал ва ҳужайравий бўғинидаги бузилишлар билан бир қаторда, Юлдашев М.А. ва Азизова Ф.Х. (2009)

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони

томонидан патологик жараёнга ички аъзоларнинг жалб этилишихам ўрганилибтасдиқланган. Экспериментал тадқиқотлар йўли биланполиорган бузилишлар, ингичка ичакнинг структур функционал носозлиги, туғилгандан сўнг иммун тизимининг ривожланмаганлиги ҳамда ингичка ичак ва теридаги патоген микрофлоранинг морфофункционал танқислиги аниқланган.

Бироқ, молекуляр-генетик изланишлар, хусусан АД касаллиги давомида иммун яллиғланиш ривожланишида қатнашаётган цитокин генлари ва уларнинг рецепторларини ўрганиш бизнинг Республикада ўтказилмаган. Адабиётлар таҳлили АД да генетик омилларнинг иммунологик ва клиник кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлик даражаси ёритиб берилмаганлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун АДнинг наслий мойиллигини белгилаб муҳим патогенетик ривожланиш механизмларини ўрганиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. ДиссертациятадқиқотиРеспублика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ АЁСС-3-сон (2014-2015йй.) “Организмнинг иммунологик ва молекуляр-генетик хусусиятларини инобатга олган ҳолда нейродерматоз билан хасталанган беморларда дифференциал антигистамин даволаш усулларини ишлаб чиқиш” (2014-2015 йй.) ёш олимлар амалий гранти мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атопик дерматитнинг шаклланиши ва клиник кечишида ИЛ4 генининг 590С/Т, ИЛ4РА генининг Gln551Arg ва NOS1 генининг G-84А полиморфизмларининг ахамиятини аниқлаш ва олинган натижалар асосида касалликнинг такомиллаштирилган даволаш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

citoкин ИЛ-4 генининг 590С>Т, citoкин рецептори ИЛ4РА генининг Gln551Arg ва NOS нейронал синтаза генининг G-84А полиформизмларни аниқлаш учун олигопраймерлар тизими қўлланилишини такомиллаштириш.

атопик дерматит ривожланиши ва клиник кечишида молекуляр-генетик маркёрлар ИЛ-4 генининг 590С>Т полиморфизми, ИЛ4РАгенининг Gln551Arg полиморфизми ва нейронал синтаза 1 – NOS1генининг G84-А полиморфизми ролини баҳолаш.

атопик дерматит билан хасталанган беморларда ИЛ-4 генининг 590С/Т полиморфизми генотипларини эътиборга олган ҳолда иммун тизимининг хужайравий ва гуморал звеносига ҳамда citoкин (ИЛ-4, ИЛ-6) ҳолатига баҳо бериш;

олинган натижалар асосида атопик дерматит билан хасталанганбеморларда ИЛ-4 генининг 590С/Т полиморфизми генотиплари эътиборга олган ҳолда патогенетик **персоналлаштирилган** даволаш усулларини ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатидаРеспублика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий амалий тиббиёт марказининг дерматология бўлими, Фарғона ва Бухоро вилоятлари ТТҚДларининг

стационар ва амбулатор бўлимларида ҳисобда бўлган 260 нафар АД касаллиги билан хасталанган беморларда клиник, молекуляр-генетик ва иммунологик тадқиқотлар ўтказилди. Назорат гуруҳига 56 нафар соғлом шахслар киритилди.

Тадқиқотнинг предмети веноз қони молекуляр-генетик, қон зардоби иммунологик маркёрларини миқдорий аниқлаш учун олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини хал этиш ва мақсадга эришиш учун умумий клиник, молекуляр-генетик (ПЦР), иммунологик (ИФА) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор мамлакатимизда ўзбек миллатига мансуб АД билан касалланган беморларда цитокин гени ИЛ-4 ва унинг рецепторлари ИЛ4RA мутант (патологик) ва ёввойи (нормал) аллелларинини текшириш тест-системаларини қўлланилиши такомиллаштирилган;

ўрганилган генетик маркёрлар: цитокин гени ИЛ-4 ва унинг рецептори ИЛ4RA ҳаққоний равишда атопик дерматит хасталиги билан боғлиқлиги исботланган;

атопик дерматит билан хасталанган беморларда касалликнинг оғир кечиши, уларда патологик (мутант) аллель ва генотип мавжуд бўлгани сабабли, касалликнинг оғир кечиш хавфи нормал генотип ташувчиларига нисбатан бир неча баробар ортганлиги аниқланган;

цитокин ИЛ-4 генининг 590C>T полиморфизми ва ИЛ4RA генининг Gln551Arg полиморфизмининг мутант генотипларига эга шахсларда, атопик дерматит хасталигининг ривожланиш хавфи(odds ratio-OR), мутант генотиплар мавжудлиги сабабли бир неча баробар ортиши исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

АД нинг лихеноид ва пруригиноз шаклларида цитокин генларининг нохуш (мутант ва гетерозигот) генотипларининг учраши ортганлиги аниқланган;

цитокин ИЛ-4 ва ИЛ4RA генларининг “нохуш” генотип ва аллеллари ташувчи беморларда, гуморал ҳамда хужайравий иммунологик кўрсаткичларнинг нохуш ўзгаришлари “соғлом” генотип ташувчиларига нисбатан юқори даражада эканлиги аниқланган;

касалликни ташхислашда цитокин ИЛ-4 генини АДнинг оғир кечишини башоратлашда прогностик маркёр сифатида қўлланилиши асосланган;

олинган натижалар асосида организмнинг генотипик ва иммунологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ижобий терапевтик натижаларни олишга имконият берувчи ва аниқланган иммунологик бузилишларни меъёрлаштиришга олиб келувчи маҳаллий ишлаб чиқариладиган имунмодуляцияловчи даволаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник, молекуляр генетик, иммунологик ва статистик усуллар билан тасдиқланган, ҳамда етарли даражада беморларнинг сони, АДнинг иммунгенетик механизмларини билиш ва комплекс даво усуллари ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Барча олинган

натижалар ва хулосалар далилларга асосланган тиббиёт тамойилларига мос келади, ҳамда халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланган.

Тадқиқот натижаларини илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти цитокин генлари: ИЛ-4 генининг 590С>Т полиморфизми ва ИЛ4РА генининг Gln551Arg полиморфизми атопик дерматитнинг патогенези ва клиник кечишида иштирок этиши, ушбу генлар полиморфизмининг атопиянинг шаклланишига таъсир қилиш даражаси билан ифодаланади. Атопик дерматитни ривожланишини башоратлаш учун цитокин генларининг маркерларини молекуляр-генетик тадқиқотлар орқали аниқлаш касалликни эрта ташхислаш учун пойдевор яратади. Илк бор атопик дерматитнинг оғир даражасини башоратлаш учун атопиянинг молекуляр генетик ва иммунологик маркерларини учраш частотасини аниқлаш борасида чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун замин яратилган.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти атопик дерматитнинг оғирлик даражасини ривожланиш хавфини молекуляр-генетик текширишлар асосида эрта башоратлаш усули ишлаб чиқарилди. Олинган натижаларнинг асосида АД да ИЛ-4 генининг 590С/Т полиморфизмини эътиборга олган ҳолда патогенетик даво усуллари ишлаб чиқарилди.

Тадқиқот натижаларинининг жорий қилиниши. АД билан оғриган беморларда молекуляр-генетик ва иммунологик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда, такомиллаштирилган комплекс даволаш усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида: “Атопик дерматит билан хасталанган беморларда эндоген захарланишни даволаш усули” учун Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти (IAP 05171-сон патент, 2014 йил) 2017йил 26 декабр 8н-д/71-сонли Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг маълумотномаси ва “Атопик дерматит клиник кечишини оғирлик даражасини ташхис орқали аниқлаш усули” ихтирога патенти (IAP 05508-сон патент, 2016 йил) ишлаб чиқилган. Ихтиронинг таклиф этилган усуллари диагностика, АД оғир даражаси ривожланишини олдиндан прогнозлаш ва даволашнинг такомиллаштирилган усуллари сифатини яхшилашга имконият берди.

АД диагностикаси ва даволаш бўйича диссертация ишининг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига ҳусусан, ЎзР ССВ “РДВваКИИАТМ”ДМ клиникасининг дерматология бўлими ҳамда Бухоро вилояти ТТД амалиётига киритилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 й. 26 декабрдаги 8н-д/71-сон маълумотномаси). Атопик дерматит диагностикасининг янги усулини қўллаш натижасида касаллик даволанишининг самарадорлигини 1,98 маротаба ортишига олиб келди. Патогенетик терапиянинг киритилишининг иктисодий таъсири касаллик қайталанишининг 4,5 маротаба камайишидан иборат бўлиб, бу АД беморларининг йилига 2 маротаба бўладиган молиявий харажатларининг қисқаришига олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқод натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши материаллари бўйича 53 босма илмий ишлар, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 мақола, жумладан 10 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва талаб этилганлиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, ишларнинг апробация натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумот келтирилган.

Диссертациянинг **“Атопик дерматитнинг патогенези ва клиник кечишида молекуляр-генетик ва иммунологик механизмларнинг аҳамияти тўғрисидаги замонавий тушунча”** деб номланган биринчи бобида икки кичик бобдан иборат, муаммонинг ҳолати, тарқалганлиги, хавф омиллари, этиопатогенез, АД диагностикаси ва даволанишига бағишланган адабиётлар тавсифи келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари тавсифи”** деб номланган иккинчи бобида 5 дан 78 ёшгача бўлган 260 атопик дерматитли беморлар тиббий кўриги тавсифи берилган. Улардан 100 (38,4%) - эркек, 160 (61,5%) аёл кишидан иборат эди. Барча беморлардаги ташхис, яъни атопик дерматитнинг катта (мажбурий) ва кичик (қўшимча) мезонларини кўллаш орқали олиб борилган клиник кўрик натижалари асосида тасдиқланган. Беморлар касаллик билан боғлиқ (аллерголог, терапевт, эндокринолог, гастроэнтролог, педиатр, кардиолог, невропатолог, уролог ва бошқа) мутахассислардан ҳам маслаҳат олишган. Касалликлар ва соғлиқ билан боғлиқ муаммоларни халқаро таснифланишига мувофиқ (МКБ-10, 2000г.) диффуз нейродермит, экзема, Бенъе қичимасидан азият чекаётган беморлар (L-20) атопик дерматит гуруҳига киритилган.

Беморларнинг катта қисмини асосан аёллар – 160 (62%) ташкил этди. АДнинг клиник шакллари алоҳида морфологик элементларига қараб Т.А.Гарина, К.Н.Суворова и муаллифларнинг (1989) таснифи бўйича аниқланган, унга мувофиқ АД нинг 5 та: эритематозно-сквамоз, линехификацияли эритематозно-сквамоз, эксудатив, лихеноид ва пруритиноз клиник шакллари мавжуд. Клиник шаклларига қараб 41 (15.8%) беморда

эритематозно-сквамоз, 46 (17,7%)- да лихенификацияли эритематоз-сквамоз, 69 (26,5%) – лихеноид, 70 (27%) да – эксудатив ва 34 (13%) –пруригиноз шакллари аниқланган (1-расм).



2- расм. АД клиник шаклларининг тақсимоти.

Касалликнинг оғирлик даражасини аниқлаш учун SCORAD (Severity scoring of atopic dermatitis: the SCORAD index) индекси қўлланилди. 260 нафар АД беморда умумий қабул қилинган усулларга мувофиқ холда клиник-диагностик мезонлари аниқланган. 260 нафар АД беморда касалликнинг оғирлик даражаси SCORAD (Severity scoring of atopic dermatitis: the SCORAD index)индекси орқали баҳолаш SCORAD кўрсаткичи $42,6 \pm 1,1$ балдан $87,3 \pm 0,5$ балгача бўлган оралиқда ўзгарган. 260 АД беморларда SCORAD индексининг ўртача кўрсаткичи $72,2 \pm 1,02$ бални ташкил этган. АД касаллик ўтиш даврининг оғирлигининг клиник даражаси бўйича SCORAD индекси кўрсаткичлари қўйидагича таснифланган: касалликнинг ўтиш оғирлигининг енгил даражасида SCORAD индекси кўрсаткичи ўртача $42,6 \pm 1,1$ бал ни, ўрта даражада - $68,3 \pm 0,7$ баллни ва оғир даражасида баллни ташкил этди (1-жадвал).

1-Жадвал.

АД беморларда SCORAD индекси бўйича оғирлик даражаси кўрсаткичлари (балл).


Оғирлик даражаси	Енгил даражаси n=35	Ўрта даражаси n=128	Оғир даражаси n=97
АД беморлар n=260	$42,6 \pm 1,1$	$68,3 \pm 0,7$	$87,3 \pm 0,5$

SCORAD индексининг мезонларига мувофиқ касалликнинг енгил даражаси (50 баллгача) 35 (13,5%) беморларда, оғирликнинг ўрта даражаси (50 дан 80) – 128 (49,2%), оғир даражаси (80 баллдан юқори) – 97 (37,3%) беморда аниқланган. 260 АД беморлари орасида кучайган наслий мойиллик 127 беморда кузатилган, бу эса 48,8% ташкил этди. Айтиб ўтиш жоизки, 70,8 % ташкил этувчи 184 АД беморларида касалликнинг фаслий ўзгаришлари


кузатилган, 76 (29,2%) тасида эса фаслий ўзгаришлар эмас, балки тез-тез қайталаниш билан касаллик йил давомида кузатилган.

Диссертациянинг учинчи “Атопик дерматитнинг молекуляр-генетик тавсифи” бобида атопик дерматитнинг ривожланиш механизмининг молекуляр-генетик тавсифи ўрганиб чиқилган. Бу мақсадда тананинг атопик ҳолати ривожланишини тасвирлаб берувчи цитокин генлари, яъни ИЛ-4 генининг 590C>T, ИЛ4RA генининг Gln551Arg полиморфизми, NOS1 генининг G-84A полиморфизм аҳамиятлари урганиб чиқилган. ИЛ-4 генининг 590C>T молекуляр-генетик тадқиқоди учун АД, бронхиал астма (БА), аллергия ринит (АР) беморлари ва шартли равишда атопик касаллик белгиларига умуман эга бўлмаган соғлом донорларининг периферик қонларидан ажратилган ДНК намуналари олинган. Ўрганилган С ва Т аллелларининг умумий сони 342 (АД беморларининг 174 хромосомалари, БА беморларининг 22 хромосомалари, АР беморларининг 28 хромосомалари ва соғлом шахсларнинг 94-хромосомлари) дан ташкил этди. Касалликга эга бўлган ҳамда сифатли патогенетик жихатидан муҳим бўлган касалликлар белгилари бўлган тадқиқ этилаётган генлар полиморфизмларини таққослаш таҳлили учун, χ^2 мезонини қўллаган ҳолда касаллар гуруҳи ва соғлом индивидлардаги аллел ва генотипларнинг тез-тез қайталаниш тезлиги солиштирилган. Аҳамиятга молик деб $p \leq 0,05$ даги кўрсаткичлар ҳисобга олинган. Генотипларнинг тақсимланиши ва уларнинг касалликлар билан бўлган комбинациялари тўғрисида имкониятлар таққослама кўрсаткичи (odds ratio (OR) (Pearce, 1993)) бўйича баҳо берилган.

Кўришиб турибдики, таҳлили натижасида 590T мутант аллели 195 п.н. ўлчамдаги бўлак кўринишида ажралиб чиқди. Нормал 590C генотипли беморларда рестрикциядан сўнг 177+18п.н. бўлаклари шаклланади, лекин 195 п.н бўлаги бўлмайди, гетерозигот ташиб юрувчиларда эса барча учта бўлақлар(195 п.н. и 177+18 п.н.) амплификациялашади. (2 ва 3-расмлар).



2-расм. ИЛ4 генининг С/Т (-590C>T) полиморфизмининг амплификация ва рестрикциядан кейинги тузилмаси.



*К-назорат; 1 ва 3 – нормал генотиплар; 2 – гетерозигот генотипи; 4 – гомозигот мутантли генотип, М – ПЦР-бўлаклари ўлчамларини кўрсатувчи белги. Бўлакнинг кичик ўлчами натижасида аллель 18 п.н.гель чегараларидан ташқарисига чиқиб кетади.

3-расм. ИЛ-4 гени 590С>Т полиморфизмининг ПЦР-маҳсулотлари электрофореграммаси.

ИЛ-4 гени 590С>Т полиморфизмининг аллел ва генотиплар тақсимотининг таҳлилида шартли соғлом шахслар гуруҳига нисбатан АД беморлар гуруҳидаги 590Т- мутантли аллел қайталаниш частотаси ишончли даражада юқорилиги аниқланди. Тадқиқ этилган асосий ва назорат этилаётган гуруҳларда 590Т мутантли аллел мувофик равишда 72/180 (40,0%) ва 31/112 (27,7%) ҳолларда аниқланган. Ушбу гуруҳлардаги 590 С ёввойи алел қайталаниш частотаси 108/180 (60,0%) ва 81/112 (72,3%) дан иборат бўлди. Ҳисобланган АД (OR) ривожланиш хавфи эҳтимоли ушбу полиморфизм ташувчиларда 590С ёввойи аллел ташувчиларига нисбатан 1,74 мартаба юқорирок экан. Олинган кўрсаткичлар статистик жихатидан ишончлидир ($\chi^2=4,5$; $P=0,03$; $OR=1,74$; 95%CI 1,05-2,9) (2-жадвал).

2-жадвал.

Назорат ва таққосланувчи гуруҳ АД беморлари орасида ИЛ-4 гени 590С>Т полиморфизмининг аллел учраб туриши ва генотиплар тақсимланиши.

Гуруҳ	n(X)	Аллеллар частотаси				Генотиплар тақсимланишининг частотаси					
		590С		590Т		С/С		С/Т		Т/Т	
		N	%	N	%	n	%	N	%	n	%
Асосий гуруҳ	90 (180)	108	60,0	72	40,0	28	31,1	52	57,8	10	11,1
Назорат этилувчи гуруҳ	56 (112)	81	72,3	31	27,7	29	51,8	23	41,1	4	7,1
БА+АР таққослаш гуруҳи:	24 (48)	27	56,3	21	43,7	8	33,4	11	45,8	5	20,9

Эслатма: n и X – мувофик равишдатадқиқ этилган шахслар ва хромосомлар сони.


Генотиплар тақсимотининг солиштирма таҳлили бемор ва соғлом шахслар орасидаги “С/Т и Т/Т”гетеро+гомозигот мутант генотипли шахсларнинг қисми мувофиқ равишда 23/56 (41,1%) ва 4/56 (7,1%) нисбатан, 52/90 (57,8%) ва 10/90 (11,1%) дан иборат эканлигини кўрсатди. Ушбу генотиплар ташувчилари орасида АД ривожланишининг ҳисобланган эҳтимоли назорат этилаётган гуруҳга нисбатан 2,4 маротаба ишончли даражада юқорироқдир ($\chi^2=6,2; P=0.01; OR=2,4; 95\% CI 1.19-4.73$).

Беморлар гуруҳидаги мутантли аллел ва генотипларнинг ишончли даражадаги юқори кўрсаткичи патогенетик боғлиқлик, яъни ИЛ-4 генининг 590С>Т полиморфизми ва АД шаклланиши орасидаги боғлиқлик мавжудлигига гувоҳлик бериши мумкин ($\chi^2=6,2; P=0,01; OR=2,4$).

Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, АД беморларида С/С соғлом генотипини таққослашда соғлом шахсларга нисбатан соғлом генотипни учратиш тезлигининг 3 баробардан юқорироқ ишончли даражадаги пасайиши кузатилган ($OR=0.33; 95\% CI 0.11-1.02$). Ушбу маълумотлар ИЛ4 гени -590С аллели беморларда АД ривожланишининг пасайган хавф белгиси бўлиб хизмат қилишини тасдиқловчи олинган натижаларнинг тўғри эканлигини исботлаб беради. Таққослаш гуруҳи (БА+АР) ва соғлом шахслардан иборат назорат қилинувчи гуруҳдаги ИЛ-4 гени 590С>Т полиморфизмининг аллел ва генотипларининг тақсимотининг таҳлилида 590Т –мутантли аллел (БА+АР) таққослаш гуруҳида 21/48(43.7%) ҳолларда, назорат гуруҳида эса 31/112(27.7%) ҳолатларда кузатилган. (БА+АР) таққослаш гуруҳидаги 590С –ёввой аллел қайталаниш тезлиги назорат гуруҳининг 81/112 (72,3%) нисбатан 27/48(56,3%) дан иборат бўлган. Ушбу полиморфизмнинг ташувчилар орасида бронхиал астма ва аллергия ринитнинг ҳисобланган хавф эҳтимоли (OR) назорат гуруҳига қараганда 2 баробар юқорироқ эканлиги топилди ($\chi^2=3,9; P=0,05; OR=2,03; 95\% CI 1.00-4.11$).


ИЛ-4 гени 590С>Т полиморфизмининг АД пайдо бўлиш тезлиги ва клиник ўтиш даврининг хусусиятлари билан эҳтимолий ўзаро боғлиқлигини ўрнатиш мақсадида ИЛ-4 гени 590С>Т нинг турли хил аллелларни қайд этилишини қайталаниш тезлиги орасидаги АД клиник хусусиятлари: касалликнинг оғирлик даражаси, АД клиник шакллари ва умумий IgE ва ИЛ4 цитокин миқдорлари билан таққослаб чиқилиши ўрганилинган 2-жадвал ва 4-расмда кўрсатилишича, касалликнинг оғирлик даражасига қараб ИЛ-4 гени 590С>Т полиморфизмининг аллел ва генотиплар тақсимотида, 590Т –гомозигот мутант аллел АД нинг ўрта ва оғир оғирлик даражаларидаги беморларга кўпроқ кузатилган: 38,5% ва 44,8% ҳолларда бўлса, назорат гуруҳида 590Т 27,7% ҳолларда учраган. Ушбу полиморфизмга эга бўлган беморларда АД оғир кечилиши ривожланишининг ҳисобланган эҳтимоли назорат гуруҳига нисбатан 2.1 маротаба юқори бўлиб чиқди ($\chi^2=5,04; P=0,02; OR=2,12; 95\% CI 1.09-4.12$). АД оғир даражали беморлар гуруҳида гетерозигот ва гомозигот мутантли генотип қайталаниш частотаси: 18/29 (62,1%) ва 4/29 (13,7%), назоратга нисбатан: 23/56 (41,1%) ва 4/56 (7,1%) ташкил этди. Ушбу генотиплар ташувчилар орасида АД оғирлик даражаси ривожланишининг ҳисобланган эҳтимоли назорат гуруҳига нисбатан 3.3

баробар ишончли равишда юқорирокдир ($\chi^2=5,9; P=0,01; OR=3.38; 95\% CI 1.24-9.17$).



4-расм. АДни оғирлик даражасига қараб беморларда ИЛ4 ген аллеларини учраш частотаси


Олинган маълумотлар АД оғир кечишининг ривожланиши билан 590Т-мутантли аллел ва Т/Т ($P < 0,05$) гомозигот мутантли генотипнинг беморларда мавжудлигида ўзаро боғлиқлигини тасдиқлайди. Касалликнинг клиник шаклига қараб ИЛ-4 гени 590С>Т полиморфизмининг аллел ва генотипларининг тақсимотида лихеноид ва пруригиноз АД шакли беморлар гуруҳида 590Т-мутантли аллелнинг бошқаларидан кўпроқ ташиш қобилияти аниқланган: 22/44 (50,0%) ва 17/32 (53,1%) бўлса, назорат гуруҳида эса – 31/112 (27,7%) ташкил этган. Олинган маълумотлар статистик ишончлидир. ($\chi^2=5,4; P=0,02; OR=3,65; 95\% CI 1.18-11.27$; $\chi^2=5,5; P=0,02; OR=4,6; 95\% CI 1.19-18.14$) (5-расм).



5-расм. АД клиник шаклига қараб ИЛ4 генининг аллеллар учраб туриши частотаси.

Клиник нуқтаи назаридан, 590С/Т генотипли гетерозигот АД беморларида мувофиқ равишда экссудатив шакли - 28/8%, лихеноид – 23,1% лихенификацияли эритематозно-сквамоз шакли – 21,2% кўпроқ кузатилган, 590 Т/Т мутант генотипли шахсларда эса мувофиқ равишда лихеноид – 47,6% ва пруригиноз – 42,8% ҳолатда учраган. ИЛ4RA генининг Gln551Arg

полиморфизмини АД ривожланиши билан таққослаш таҳлили. ИЛ4РА генининг Gln551Arg полиморфизмини атопик дерматит ривожланиши билан таққослаш йўлини аниқлаш мақсадида АД беморлар гуруҳи ва соғлом шахслардан иборат назорат гуруҳида ушбу геннинг аллел ва генотипларини учраб туришининг солиштирма таҳлили ўтказилган. Шунингдек ушбу тест-тизими апробацияси ўтказилган.(6-расм).



*К-назорат; 1 и 3 – нормал генотиплар; 2 – гетерозиготли генотип; 4 – гомозигот мутантли генотип, М –ПЦР- бўлақларининг ўлчамларини аниқлаб берувчи белги. Бўлақнинг кичик ўлчами натижасида аллел 9 п.н. гель чегарасидан ташқарига чиқиб кетади.

6-расм. ИЛ4РА гени Gln551Arg полиморфизмининг ПЦР- маҳсулотлари электрофореграммаси

ИЛ4РА генининг Gln551Arg полиморфизминининг аллел ва генотипларини тақсимланишининг таҳлилида шартли соғлом донорлар гуруҳига нисбатан АД беморлари гуруҳида Arg551-мутант аллелининг учраб туриши бошқаларига қараганда ишончли даражада кўпроқ эканлиги аниқланган. Тадқиқ этилган асосий ва назорат гуруҳларда Arg551-мутант аллели мувофиқ равишда 49/132 (37,1%) ва в 19/80 (23,7%) ҳолларда учраган. Бу гуруҳларда Gln551 ёввойи аллел учраш частотаси 83/132 (62,9%) ва 61/80 (76,2%)ни ташкил этди. Ҳисобланган АД ривожланиш хавфи эҳтимоли (OR) ушбу полиморфизм ташувчилар орасида 590С ёввойи аллел ташувчиларга нисбатан 1,9 маротаба юқорироқ эканлиги аниқланган. Олинган кўрсаткичлар статистик жиҳатидан ишончлидир ($\chi^2=4,09$; $P=0,04$; $OR=1,9$; 95%CI 1,02-3,54) (3-жадвал).

Генотиплар боғлиқлигининг солиштирма таҳлили касал ва соғлом донорлар орасидаги “Gln/Arg и Arg/Arg”гетеро+гомозигот мутантли генотипли шахслар улуши 17/40 (42,5%) ва 1/40 (2,5%) нисбатан мувофиқ равишда 41/66 (62,1%) ва 4/66 (6,1%) ташкил этди. Ҳисобланган АД ривожланиш хавфи эҳтимоли (OR) ушбу генотип ташувчилар орасида назорат гуруҳига нисбатан 2.5 маротаба ишончли даражада юқорироқдир ($\chi^2=5,72$; $P=0,05$; $OR=2,52$; 95%CI 0,27-23,3).

Беморлар гуруҳидаги мутантли аллел ва генотипларнинг ташувчилар сонининг бошқаларга қараганда ишончли даражада юқорироқлиги патогенетик боғлиқлик, яъни ИЛ4РА генининг Gln551Arg полиморфизмининг АД шаклланиши билан боғлиқлик мавжудлигини тасдиқлаб беради. АД беморларида Gln/Gln соғлом генотипини солиштирганда соғлом шахсларга

нисбатан соғлом генотипининг учраб туриш тезлиги 3 маротаба ишончли даражада пасайиши аниқланган (OR=0,38; 95% CI 0,11-1,02).

3-жадвал

АД беморлари ва назорат гурухи орасида ИЛ4РА гени Gln551Arg полиморфизми аллелининг учраб туриши ва генотиплар тақсимланиши

Гурух	n(X)	Аллеллар тез-тез учраб туриши				Генотиплар тақсимланишининг тез-тез учраб туриши					
		Gln551		Arg551		Gln /Gln		Gln /Arg		Arg /Arg	
		n	%	n	%	n	%	N	%	n	%
Асосий гурух	66 (132)	83	62,9	49	37,1	21	31,8	41	62,1	4	6,1
Назорат этилувчи гурух	40 (80)	61	76,2	19	23,7	22	55,0	17	42,5	1	2,5


Эслатма: n и X – мувофиқ равишдатадқиқ этилган шахслар ва хромосомлар сони. P=0,04

ИЛ4РА-Gln/Gln аллели беморларда АД ривожланишининг пасайган хавфи белгиси эканлигини исботловчи ушбу маълумотлар биз олган натижаларнинг тўғри эканлигидан далолат беради.

Шундай қилиб, молекуляр-генетик таҳлилининг натижалари 43,2% ва ИЛ-4РА – 37,1% дан иборат ИЛ-4 яллиғланишдан олдинги цитокинлар генлари полиморфизмлари АД ривожланиш механизмида асосий рол ўйнашини кўрсатди. Шу билан бирга, ИЛ4 генининг 590Т ва ИЛ4РА генининг 551Arg мутант аллелининг учраб туриши ва генотиплар тақсимоти мувофиқ равишда 72,6% - 72,1% ни ташкил этди, бу эса иккала ҳолатда ҳам атопик дерматитнинг ривожланиш хавфини 2.6 маротаба оширади. Бунда 594С/Т гетерозигот генотиплари - 57,8% аниқланса, Т/Т мутантли генотиплари 11.1% ҳолатда учрайди. ИЛ4РА генининг Gln551Gln/Arg гетерозиготли генотипи – 62,1% учраса, Arg/Arg мутантлари – 6,1% мувофиқ равишда топилди.

NOS1 нейронал синтаза генининг G84-A полиморфизмини АД ривожланиши билан боғлиқлик таҳлили.АД беморлари ва назорат гурухларидан умумлашган наъмуна олишда NOS1 генининг G84-A- нинг полиморф турунинг аллел ва генотипларининг қайталаниш тезлиги тақсимотининг таҳлили мақсадида ушбу тест-тизимнинг апробацияси (синови) ўтказилган. Тадқиқод натижасида биз олигопраймерлар фаолиятининг харорат режимини оптималлаштиришга эришдик (7-расм). Бемор ва соғлом донорлар орасида NOS1 генининг G84-A полиморфизми тақсимоти тезлигининг таҳлили ўтказилди. Беморлар гурухида ушбу полиморфизмнинг генотип турларининг учраб туриши GG-63,2%, GA-35,2%, AA-1,47% дан иборат бўлди. Назорат гурухида эса - GG-63,6%, GA-22,7%, AA-13,6%.дан иборат. А/А гомозигот генотипи беморлар билан солиштирганда одий аҳоли наъмунасида ишончли даражада юқори (OR=10.6) эканлигин кўрсатди ($\chi^2=5.8$; P=0.02 (P<0.05); OR=10.6; 95%CI 1.04, 107.6). OR юқори кўрсаткичи ушбу генотипни АД ривожланишининг пасайган хавф

белгисига тегишлилигини билдирмоқда. Назорат гуруҳида генотиплар тезлигининг РХВ (Харди-Вайнберг мувозанати) дан енгил оғиши кузатилган ($\chi^2=3.4; P=0.06$ (кутилган. ва кузатил. орасида)). Бу ҳолатда тезликларнинг бир хил тақсимланишидан оғиши наъмуна олиш жараёнининг кичик хажми билан боғлиқ деб эҳтимол қилинди (статистик сабабларга кўра). NOS1 гени G84-А полиморфизмининг AUC индексининг аҳамиятга молик бўлмаган кўтарилиши аниқланган (>0.05). Ушбу белгининг AUC кўрсаткичлари бўйича прогностик самарадорлиги 0,50ни ташкил этади (OR=1.0;95% CI 0.37-2.762), бу эса ушбу белгининг АД ривожланиш хавфини олиндан айтиб бериш учун етарли даражада эмаслигидан далолат беради.



К-назорат; 1 – гетерозиготли генотип; 2 – нормалгенотип; 3 – гомозигот мутантли генотип.


7 расм. NOS1 гени G84-А полиморфизмининг ПЦР – махсулотлари электрофореграммаси

Аниқланган статистик ишончсиз фарқларга қармасдан олинган маълумотларни мунтазам эмас балки бир ёқлама деб шархлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. NOS1-нейронал синтаза гени G84-А полиморфизми тадқиқоди АД ривожланиш хавфини олиндан айтиш учун ушбу белги самардорлиги АД беморларида аниқланмади. Ушбу кўрсаткичнинг дерматоз ривожланишидаги аҳамияти AUC кўрсаткичларига мувофиқ ушбу белгининг прогностик самарадорлиги 0,50 ни ташкил этди (OR=1.0;95% CI 0.37- 2.762).

Диссертациянинг тўртинчи “Атопик дерматитнинг клиник-иммунологик тавсифи” бобида иммунитетни хужайрали ва гуморал бўғинининг омилларинини ўрганишдан иборат беморларни кенг қамровли иммунологик кўриги натижалари тақдим этилган. АД беморларининг иммун тизимининг ҳолатини клиник кечиши, ҳамда цитокин ирси полиморфизми ва унинг рецептори: ИЛ4 гени С590/Т и ИЛ4РА гени Gln551Arg ҳолатига қараб ўрганиб чиқилди. Иммунологи кўрсаткичлар 63АД беморларида ўрганиб чиқилди. Улардан 12 беморда - эритематозно-сквамоз шакли, 13-да – лихенификацияли эритематозно-сквамоз шакли, 14-да –эксудати шакли, 11-да – лихеноид шакли ва 13 тада – пруригиноз шакли билан ташхис қўйилган. Назорат гуруҳи 21 ёшдан 36 ёшгача бўлган 19 та соғлом шахслардан иборат бўлди.

Иммунитетнинг Т-хужайрали бўғинининг ҳолати таҳлили ИЛ4 гени С/С–гомозиготли нормал генотиби, С/Т-гетерозигот ва Т/Т- гомозигот мутант генотиби АД беморларида CD3-хужайраларининг фоиз улушининг ишончли даражада пасайиши кузатилмоқда ($p < 0,001$). Бироқ бу пасайиш иккала гуруҳда бир ҳил эмасди. Агар биринчи гуруҳдаги беморларда CD3-хужайралар 52,00±0,78%га пасайган бўлса, иккинчи гуруҳда бу кўрсаткич 49,22±0,56%га тенг эди.

Т-лимфоцитларнинг субпопуляцион таркибининг ўрганилиши ИЛ4 гени С/С–гомозиготли нормал генотиби, С/Т-гетерозигот ва Т/Т- гомозигот мутант генотиби АД беморларида ўрганилган имунитет кўрсаткичларининг яққол сезиларли ўзгаришлари кузатилган. Агар ИЛ4 гени С/С–гомозиготли нормал генотиби АД беморларида нисбий CD4-хужайра таркиби ўртача 31,38±0,69%, ташкил этган бўлса, ИЛ4 генининг С/Т-гетерозигот ва Т/Т-гомозигот мутант генотиби АД беморларида бу кўрсаткич - 30,16±0,53% га тенг бўлди. Бу эса иккинчи гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳи билан солиштирганда биринчи гуруҳга нисбатан CD4-хужайралари сонининг ишончли даражада пасайиши кузатилмоқда. Хар иккала гуруҳдаги CD4-хужайраларининг мутлақ сони берилган назорат кўрсаткичлари доираси даражасида қолган (8-расм).



9-расм. Генотип турига қараб АД беморларининг иммунологик кўрсаткичларининг ўзгариши.

Иккала кузатилган гуруҳларда даволашдан олдин назорат гуруҳига ($p < 0,01$ ва $p < 0,001$ мувофиқ равишда) нисбатан CD8-хужайраларнинг ҳам нисбий (21,69±0,78% ва 22,43±0,56% мувофиқ равишда) ҳам мутлақ (512 ± 39 кл/мкл ва 497 ± 22 кл/мкл мувофиқ равишда) сонининг статистик ишончли кўпайиши кузатилган. Иккала кузатилган беморлар гуруҳида ($1,51 \pm 0,07$ ва $1,36 \pm 0,04$ мувофиқ равишда) ИРИ кўрсаткичи назорат гуруҳига нисбатан ($2,05 \pm 0,05$) пасайган эди. ИРИ нинг яққол сезиладиган даражадаги пасайиши ИЛ4 гени С/Т- гетерозигот ва Т/Т- гомозигот мутант генотиби АД беморларида кузатилган. Иммунитетнинг гуморал бўғими ҳолати бўйича тадқиқотлар иккала кузатилаётган гуруҳларда CD19- хужайраларнинг ($p < 0,001$) ҳам нисбий ҳам мутлақ сонининг ишончли кўпайиши кузатилган.

